КОСМОНАВТЛАР „САЛЮТ“ БОРТИДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИИЛ ЧИҚИШИ.

№ 114 (4320).

9 ИЮНЬ ЧОРШАНБА 1971 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.



«Союз-11» ва орбитал «Салют» станцияси туташиш олдида. (ТАСС).

УЧУВЧИ БОШҚАРАДИГАН «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИНИНГ УЧИШИ

БИРИНЧИ ИШ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 июнь. (ТАСС). Учувчи бошқараётган биринчи орбитал илмий станцияси — «Салют» — учишни давом эттирмоқда. Москва вақти билан соат 17 га қадар станция Ер атрофини 80 марта айланиб чиқди, шундан олти марта космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков ва В. И. Пацаев ўртоқлар станция ичига ўтиб олганларидан кейин амалга оширилди.

Траекторияни ўлчаш маълумотларига қараганда, станция орбитасининг параметрлари қуйидагича: Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтаси (апогейида) — 249 километр; Ер юзасига энг яқин нуқтаси (перигейида) — 213 километр; Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 88,2 минут, орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик ўлчовларнинг маълумотларига ва станция командири ўртоқ Г. Т. Добровольскийнинг айтган гапларига қараганда, станцияда ўрнатилган системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди, космонавтларнинг саҳат-саломатлиги яхши. Станциянинг космонавтлар яшайдиган бўлинмаларидаги босим симоб устунининг 90 миллиметрига тенг, температура цельсий билан плюс 17 градус.

Учувчи бошқараётган «Салют» илмий станцияси белгилаб қўйилган орбита бўйлаб ҳаракатини давом эттириб, 7 июнь соат 15.15 минутда Совет Иттифоқи территориясидан «Фанлар академиясининг Атлантика океани акваториясида турган «Академик Сергей Королев» номли илмий тадқиқот кемаси ва «Молния—1» алоқа йўлдоши орқали ўтказилди. Шу сеанс тугаган вақтидан бошлаб то 8 июнь кечаси соат 1 га қадар космонавтлар навбат билан дам олишади.

ИККИНЧИ ИШ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 июнь. (ТАСС). Космонавтлар Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаевнинг жаҳонда биринчи учувчи бошқарадиган «Салют» илмий орбитал станциясидаги иккинчи иш куни 8 июнь кечаси соат бирда бошланди. Иш бошланиш вақтига келганда станция Совет Иттифоқи территориясидан туриб радио орқали алоқа қилинадиган зонага кириб олди. Станция экипажи дам олиб, нонушта қилиб бўлганидан сўнг станция аппаратларини планлаштириб қўйилган тадқиқотларни ўтказиш учун текшириш ва тайёрлашга киришди.

Космонавтлар борт системаларини турли режимларда ишлашини синаб кўрдилар. Космонавтлар радио алоқа сеанслари вақтида станциянинг дам олинадиган ҳамда ишланадиган бўлмаларининг қулайлиги ва кенглигини бир неча бор таъкидлаб ўтдилар. Учишни бошқариш марказида бўлган мутахассислар космонавтларнинг фаолиятини телевизион системалар ёрдамида кузатиб бордилар.

Экипаж Москва вақти билан соат 13 дан 10 минут ўтганида Совет Иттифоқи халқларига табрик йўллади.

Учиш программасига мувофиқ, 8 июнь, соат 11 дан 02 минут ўтганида «Салют» станциясининг орбитаси тўғрилаб олинди. Станция анча юқори орбитага ўтганидан сўнг унинг параметрлари қуйидагича бўлади:

— Ер юзасидан энг кўп узоқлашган нуқтаси (апогейидо) — 265 километр;

— Ер юзасига энг яқин нуқтаси (перигейида) — 239 километр;

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 89 минут;

— Орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

8 июнь Москва вақти билан соат 13 га қадар ичида космонавтлар бўлган «Салют» илмий станцияси Ер атрофини 21 марта айланиб чиқди. Телеметрик маълумотларга ва космонавтларнинг гапларига қараганда, борт системаларининг ҳолати ва «Салют» илмий станцияси бўлинмаларидаги микроиқлим параметрлари нормал ҳолатда.

Космонавтлар Добровольский, Волков ва Пацаев ўзларини яхши ҳис этмоқдалар ва режалаб қўйилган тадқиқотларни давом эттирмоқдалар.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Монголия халқ-революцион партияси XVI съезднинг делегатларига, Монголия Халқ Республикасининг барча коммунистлари ва меҳнаткашларига қардошларча коммунистик салом йўллайди.

Совет кишилари Монголия халқ-революцион партиясининг XV съездидан кейин ўтган йиллар мобайнида республикангиз социалистик қурилишда олга қараб катта қадам қўйганлигидан астойдил қувонадилар. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Монголиянинг ёш индустрияси янги-янги муваффақиятларга эришди, халқнинг моддий турмуши ва маданий савияси юксалмоқда. Фанни, халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда Монголия Халқ Республикасининг эришган катта муваффақиятларини кўриб, биз ҳам сиз билан бирга фахрланамиз.

Азиз ўртоқлар, мана шуларнинг ҳаммасини биз аралар, ишчилар синфи, зиёлилар қилган фидокорона меҳнат натижаси, деб биламиз. Улар МХРП раҳбарлиги остида Монголия Халқ Республикасида социализм қуриш тарихий вазифаларини муваффақият билан амалга оширмоқдалар.

Совет коммунистлари, бутун совет халқи КПСС билан МХРП ўртасида, Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигини чуқур мамнуният билан қайд қиладилар. Бизнинг мамлакатларимиз ўртасида жамият ҳаётининг барча энг муҳим соҳаларида—сиёсатда, экономикада, идеологияда мустаҳкам алоқалар қарор топди ва ривожланмоқда. Бизнинг партиямиз, КПСС XXIV съездида яна таъкидлаб ўтилганидек, монгол халқи билан қардошларча дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ва ҳар тарафлама ҳамкорликни кенгайтиришга, сизнинг экономикага доир катта проблемаларни ҳал қилиш, Монголия Халқ Республикасининг халқаро миқёсдаги обрўсини мустаҳкамлаш йўлидаги ғайрат-харакатингизни актив қўллаб-қувватлашга қатъий қарор қилган.

Бизнинг партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида ҳозирги замоннинг барча энг муҳим масалалари хусусида тамомила бир фикрда турибдилар.

Сизларнинг дўстингиз сифатида биз шуни қувонч билан қайд қиламизки, Монголия халқ-революцион партияси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, жаҳон коммунистик харакатининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлида изчиллик билан олиб борган кураши туфайли жаҳондаги барча коммунистларнинг муносиб ҳурматига сазовор бўлди. Халқ Монголияси барча қардош мамлакатлар билан бирга халқаро ҳаётда актив қатнашмоқда, барча халқлар ўртасида тинчлик ва амалий ҳамжиҳатлик манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, империализмга ва мустамлакачиликка қарши изчиллик билан курашмоқда.

Монголия халқ-революцион партиясининг XVI съезди ишларида сизларга, азиз ўртоқлар, катта муваффақиятлар тилаймиз. Биз аминмизки, бешинчи беш йилликка доир директивалар, съездингизнинг бошқа қарорлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнаткашлар фаровонлигини кўтариш учун янги истиқболлар очиб беради, Монголия Халқ Республикасини ривожлантиришда муҳим давр бўлади.

Биз шунга қаттиқ ишонамизки, монгол халқи Монголия халқ-революцион партияси раҳбарлигида бизнинг мамлакатимиз билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча иттифоқ бўлиб, социализм қурилишида тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашда янги шонли ғалабаларга эришади.

Яшасин коммунистик харакатнинг жанговар отряди — Монголия халқ-революцион партияси!

Совет ва монгол халқларининг, совет ва монгол коммунистларининг мустаҳкам дўстлиги ва ҳамкорлиги кучаяверсин ва равнақ топаверсин!

Яшасин марксизм-ленинизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИГА

Учувчи бошқарадиган жаҳонда биринчи «Салют» орбитал илмий станциясидан Монголия халқ революцион партияси XVI съездининг делегатларига ва барча қардош монгол халқига алангали саломимизни ва энг яхши истакларимизни йўллаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Монголия халқ революцион партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи халқлари билан Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик!

Яшасин тинчлик ва социализм!

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — ПАРТИЯНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленуми КПССнинг XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. В. Капитонов қатнашди ва нутқ сўзлади. Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида кўрсатиб ўтилганидек, партиямизнинг тарихий XXIV съезди иқтисодий қурилишнинг, меҳнаткашлар моддий фаровонлиги ва маданий савиясини оширишнинг илмий жиҳатдан асосланган жуда катта программасини белгилаб берди. Съезд белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда партиямизнинг асосий иегизи ҳисобланган бошланғич ташкилотларнинг роли ғоят каттадир. Барча план ва тадбирларимизнинг тақдири, янги беш йиллик вазифаларининг бажарилишини таъминлаш бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятларида намоён бўлади.

Ҳар бир коммунист аввало бошланғич партия ташкилотида шаклланади ва камол топади, партиявий бурчини, Уставда белгилаб берилган ҳуқуқларини, партия сиёсати ва қарорларини турмушга татбиқ этади, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқади. Бошланғич партия ташкилотлари кенг меҳнаткашлар оммаси билан бевосита ва яқиндан боғланганликлари учун ҳам партия ўз қарорлари ва Директиваларини улар орқали амалга оширади. Беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун курашаётган азамат ишчилар, коммунизмнинг моддий базасини яратиш учун фидокорона ишлаётган қишлоқ меҳнаткашлари, янги-янги шаҳар ва индустрия гигантларини яратаётган бинокорлар, чўлларни бўстонга айлантираётган баҳодирлар орасида, қисқаси жўшқин ва қизғин меҳнат мавж ураётган ҳамма ерда партия ташкилотлари бевосита иш олиб бормоқдалар.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, экономика ва маданиятни юксалтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Эндиликда уларнинг бутун фаолияти партиямиз XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Съезд шаҳар, район партия комитетларидан бошланғич ташкилотларнинг ролини, активлиги ва жанговарлигини ошириш, уларнинг иш формалари ва методларини такомиллаштиришни, партия ички демократиясини ривожлантиришни, партия турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя қилишни талаб этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми республикамизнинг кўпгина бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятидаги ижобий намуналарни, уларнинг омма ўртасида сиёсий-тарбиявий тадбирларни амалга оширишда эришган муваффақиятларини кўрсатиб, «Ўзбекхиммаш» заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкентдаги 159-трест, «Ташкенткабель» заводи, Бекобод металлургия заводи, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР бей йиллиги» совхози ва бошқа хўжаликлар партия ташкилотларининг диққатга сазовор, ибрат олса арзийдиган тажрибаларини умумлаштиришни талаб этди. Бу бошланғич партия ташкилотлари коллективининг бутун куч ва ғайратини моддий бойликлар ишлаб чиқаришга, партия XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратмоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан ишлаб чиқаришни ва социал тараққиётни илмий равишда уюштиришнинг ягона комплекс программаси ишлаб чиқилди.

Қишлоқ партия ташкилотлари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга, беш йилликка мўлжалланган планларни муддатидан илгари бажаришга сафарбар этмоқдалар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларимиз қишлоқда олиб борилаётган бутун партиявий ишлар юксак даражага кўтарилганлигини, колхозлар ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти яхшиланганлигини кўрсатади.

Партия XXIV съезди қишлоқ партия ташкилотлари олдига янги, тағин ҳам мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйди. Тўққизинчи беш йилликда республикамизда, шу жумладан областимизда пахта етиштиришни анча кўпайтиришимиз, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини тобора юксалтира боришимиз лозим. Бу соҳада бошланғич ташкилотлар зиммасига катта вазифалар юклатилади. Улар омманинг ҳақиқий ташкилотчилари бўлиши зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми кўпгина бошланғич партия ташкилотлари иш фаолиятида камчилик ва нуқсонлар борлигини, шаҳар ва район партия комитетлари бошланғич ташкилотларга малакали раҳбарлик қилмаётганликларини алоҳида кўрсатиб ўтди. Бошланғич ташкилотлар корхоналар ва хўжаликларнинг ҳаёти билан бевосита, яқиндан боғланмайдилар. Коллектив фаолияти билан ҳамнафас эмаслар. Шундай корхоналар борки, улар план ва топшириқларини бажармайдилар, доимо орқада судралиб қоладилар, баъзи колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бир даражада давом этиб келмоқда. Бунинг сабаби аввало шуки, партия ташкилотлари хўжасизликка, ишлаб чиқариш ва технология интизомининг бузилишига кўникиб қолганлар, ўз бурчларини бажаришга беғамлик, парвосизлик билан қараётган, ижодий ташаббускорлик кўрсатмаётган цехлар, сменалар ва бўлимларнинг бошлиқларини, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кам етиштираётган колхоз, совхоз, бригада ва бўлимларнинг раҳбарларини тартибга чақирмайдилар, уларга нисбатан талабчан эмаслар.

Пленум партия ташкилотларининг эътиборини меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш, ташкилотчилик ва идеология ишларини такомиллаштиришни талаб этди. Партия ички демократиясини мустаҳкамлаш, партия сафига кирувчиларга нисбатан талабчанликни ошириш, КПСС сафларининг сифат ва сон жиҳатдан ўсишини таъминлаш, йиғилишлар, пленумлар ва бюроларнинг ишчанлик ва юксак савияда ўтишига эришиш, коммунистларни ғоявий чиниқтириш, уларнинг марксча-ленинча ўқишини намунали уюштириш, кадрларни танлаш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириш, партия ташкилотларининг структурасини яхшилаш, бошланғич ташкилотлар ишини перспектив планлаштириш практикасини амалга ошириш, партия қарорларининг тўла бажарилишини таъминлаш, партиявий ишдаги энг яхши тажриба ва намуналарни оммалаштириш бошланғич ташкилотлар, шунингдек шаҳар ва район партия комитетларининг асосий вазифасидир. Эндиликда партиявий иш маркази ишнинг муваффақияти ҳал этилаётган конкрет участкага, цех ва бригадага тобора кўпроқ кўчирилмоқда. Бу эса партия ташкилотларининг имкониятларини оширади, уларга умуман бутун коллективни ғоявий ва ташкилий таъсир билан қамраб олиш, ҳар бир кишининг дилига йўл топиш имконини беради.

КПССнинг XXIV съезди мамлакатимиз тараққиётининг программ вазифаларини белгилаб берди. Бутун совет халқи съезд қарорларини бажариш учун ғайрат-шижоат ва илҳом билан ишга киришди. Ҳамма ерда ватанпарварлик ташаббуслари мавж урмоқда. Илғор коллективлар беш йиллик планни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар. Ҳамма ерда меҳнат завқи-шавқи, сиёсий активлик жўш урмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари мамлакатимиз ҳаёти ва халқимиз фаолиятининг барча соҳаларида актив иштирок этишлари, жанговар ташкилотчи бўлишлари, ўзларининг бутун куч ва ғайратларини партиямиз XXIV съезди, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленуми белгилаб берган қарорларни амалга оширишга қаратмоқлари лозим.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН, СОЦИАЛИЗМНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ САРИ

УЛАН-БАТОР, 8 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари Б. Лукьянов, Ч. Нажмилов, К. Бодохонов). Монголия халқ революцион партиясининг XVI съезди сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Бугун Монголия халқ революцион партияси XVI съезди ишининг иккинчи куни. Эрталабки мажлис бошланиши олдидан қардош партияларнинг делегациялари монголиянинг атоқли революционерлари Сухэ Батор ва Чойбалсан мавзолейига гулчамбарлар қўйишди.

...Эрталаб соат 9. Буюк Халқ Хуралининг мажлислар залида қарсак садолари янграйди. Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал, МХРП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ж. Самбу, МХРП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва Сиёсий Бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, бошқа делегацияларнинг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор кишилари, партия ва давлат арбоблари президиумдан жой оладилар.

Ўртоқ Ю. Цеденбал Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкога сўз беради. Залдагилар ўринларидан туриб қарсак чаладилар.

(Ўртоқ А. П. Кириленко нутқи газетанинг 2—3 бетларида берилмоқда).

Ўртоқ А. П. Кириленко КПСС Марказий Комитетининг Монголия Халқ Республикаси XVI съездига табрикномасини президиумга топширади. Ю. Цеденбал ва Ж. Самбу ўртоқлар қизғин ташаккур изҳор қиладилар.

Раислик қилувчи, Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари Ц. Дугэрсурэн совет космонавтлари «Салют» илмий станциясидан бортидан съезд номига телеграмма йўллаганликларини хабар қилади. Делегатлар бу хабарни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Делегатлар ғоят балаид руҳ билан космонавт учувчилар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, ва В. И. Пацаевга жавоб телеграммасини қабул қиладилар, телеграмма Монголия коммунистлари, барча меҳнаткашлари советлар мамлакатининг янги буюк муваффақиятлари — жаҳонда биринчи марта бошқариладиган орбитал космик станция вужудга келтирилганлигидан, совет халқи шонли фарзандларининг мардлиги ва қаҳрамонлигидан фахрланиб хурсанд бўлаётганликлари изҳор қилинган.

Делегатлар парвоз программасини муваффақиятли бажариб, космонавт учувчиларнинг эсон-омон жонажон юртга қайтиб келишларини чин кўнгилдан тилайдилар.

Съездда Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини ва Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитетининг докладини муҳокама қилиш давом этмоқда.

Монголия халқ революцион партиясининг XVI съезди 9 июнда ўз ишини давом эттиради.

ОРБИТАЛ «САЛЮТ» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ БОРТИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ ХАЛҚЛАРИГА ТАБРИК

Биз бошқариладиган орбиталь «Салют» илмий станцияси бортида туриб, коммунизмнинг шавкатли бинокори улуғ совет халқини қизғин табриклаймиз. Халқимиз КПСС XXIV съезди қарорларини, янги беш йиллик план топшириқларини бажаришда шонли меҳнат зафарларига эришувини тилаймиз.

Космонавтлар ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ, ПАЦАЕВ.

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ В. В. ГРИШИН БИЛАН УЧРАШУВИ

7 июнда Москвадаги Локомотив ремонт заводи клубида пойтахт Вешняковский сайлов округининг сайловчилари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Виктор Васильевич Гришин билан учрашдилар.

Йиғилишни КПСС Перов район комитетининг биринчи секретари В. П. Трушин очди. Ишончли вакил — «Компрессор» заводининг токари В. Н. Груздев депутатликка номзоднинг ҳаёт йўли ва фаолияти тўғрисида қисқа қилиб берди ҳамда округдаги барча сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг вакиллари учун овоз беришга чақирди.

Техника фанлари доктори Г. А. Астахов, Москва—Сортировочная локомотив депосининг машинисти А. М. Богомолов, 2-темир йўл касалхонасининг врачи Р. Г. Поздняк, 422-мактаб ўқитувчиси Г. И. Корчагина москваликлар партиянинг сиёсатини астойдил маъқуллаётганликлари ҳақида, пойтахт меҳнаткашлари ватаннинг бойликларини кўпайтириш, КПСС XXIV съездининг қарорларини бажаришга қатъий бел боғлаганликлари тўғрисида гапирдилар.

Мажлис аҳли саммий кутиб олган В. В. Гришин нутқ сўзлади. Депутатликка номзод ўзига ишонч билдирганликлари учун сайлов округининг меҳнаткашларига қизғин ташаккур айтди. Мен, деди у, ана шу юксак ишонч ва шарафни ленинчи партиямизга нисбатан изҳор қилинган ишонч ва шараф деб биламан. Бутун халқимиз ленинчи партиямизни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Партия халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда. Бу партия учун халқ фароғати йўлида кураш олиб боришдан ҳам юксак нарса йўқ.

РСФСР Олий Советига илгариги сайловдан буён, деб сўзини давом эттирди В. В. Гришин, тўрт йил ўтди. Совет халқи бу даврнинг ичида Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Бизнинг социалистик экономикамиз олга қараб катта қадам қўйди. Фан ва техниканинг ривожлантиришда буюк муваффақиятларимиз буни ёрқин исбот этувчи далилдир. «Союз—11» космик кемасининг парвози космосни бундан буён тадқиқ этиш учун катта аҳамиятга эгадир.

В. В. Гришин КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг, бизнинг планларимиз ҳам, ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларимиз ҳам, халқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжлари ҳам экономикани халқ фаровонлигини ошириш билан боғланган кўпдан-кўп вазифаларни ҳал этиш томон буриб юбориш мумкин ва зарур эканлигини тақозо этади, деган сўзларини эслатиб ўтди.

Леонид Ильич Брежнев КПСС XXIV съездида барча совет кишилари учун азиз бўлган Москвани Ватанимизнинг чинакам пойтахтига, улуғ социалистик давлатимиз рамзига, намунали коммунистик шаҳарга айлантириш вазифасини қўйди. Москваликлар бу вазифани бажармоқ учун кўп иш қилишлари керак. Бу иш пойтахтдаги ишлаб чиқариш, маданий ва иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига олиши керак.

Сўнгра В. В. Гришин КПСС ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолиятини таърифлаб берди.

В. В. Гришин сўзининг охирида ўзига нисбатан кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга яна бир марта ташаккур изҳор қилди ва бу ишончни оқлаш учун бутун куч, билимимни сарф қиламан, деб ваъда берди. (ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Д. А. КУНАЕВ БИЛАН УЧРАШУВИ

БАКАНАС. (Қозоғистон ССР) 7 июнь. (ТАСС). Бу ерда, Балхаш районининг марказида Баканас сайлов округининг сайловчилари бугун Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев билан учрашдилар.

Ишончли вакил — Желтуранги совхозининг директори Н. Уксикбаев йиғилганларни Д. А. Кунаевнинг таржимаи ҳоли билан таништирди ва уларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

«Бахбахтинский» совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Г. Хван, «Баканасский» совхозининг чўпони А. Раҳимов, «Достижение» колхозининг балиқчиси В. И. Федашев ва Балхаш район, партия комитетининг биринчи секретари А. Аҳметовлар ҳам бу таклифни қувватладилар. Улар партия билан халқнинг монолит бирлиги тўғрисида, Қозоғистон меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қатъий аҳд қилганликлари ҳақида гапирдилар.

Шундан кейин йиғилганлар томонидан саммий кутиб олинган Д. А. Кунаев сўзга чиқди. У сайловчиларга саммий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этиб, ўзига билдирилган ишончни Коммунистик партияга билдирилган юксак ишончнинг ифодаси, унинг сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигини, янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун қурашга бутун кучини сарфлашга тайёр эканлигини кўрсатувчи яна бир далил, деб ҳисоблаганлигини айтди.

Ҳозирги сайловолди кампанияси, деди Д. А. Кунаев, бутун халқнинг меҳнати жўш урган ва сиёсий активлиги кучайган бир вазиятда ўтмоқда. Бу ғайрат ва сиёсий активлик совет халқига коммунизм қурилишининг илҳомбахш программасини берган КПСС XXIV съезди туфайли вужудга келди.

Ўтган сайловдан кейинги даврнинг ичида кўпгина ғоят буюк воқеалар юз берди. Улуғ давлатимиз янада қудратлироқ бўлиб қолди. Муваффақият билан тугалланган саккизинчи беш йиллик давлатимиз тарихида энг самарали даврлардан бўлиб ишонланди. Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам социалистик давлатимизни янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган беш йиллик давомида партия ва халқнинг иродаси билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасида катта ўзгаришлар рўй берди. Шу вақт ичида 445 та йирик корхона ва цех қурилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 55 процент ошди.

Д. А. Кунаев ўз нутқининг бир қисмини халқаро аҳвол, партия билан ҳукуматнинг ленинча ташқи сиёсати масалаларига бағишлади. У ўз нутқининг охирида билдирилган ишонч учун сайловчиларга яна бир марта ташаккур изҳор қилди. Бу ишончни оқлаш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламан, деб ваъда берди.

* * *

Д. А. Кунаев «Бахбахтинский» совхозига борди, шолипояларни кўздан кечирди, ишчилар ва мутахассислар билан учрашди. У райондаги гидро техника иншоотларини ҳам бориб кўрди. Депутатликка номзод Баканасда ободончилик ишлари билан танишди, магазинларни бориб кўрди. Район партия активи билан учрашди, партия ва совет ходимлари билан суҳбатлашди.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ П. Е. ШЕЛЕСТ БИЛАН УЧРАШУВИ

КИЕВ, 7 июнь. (ТАСС). Бугун «Украина» маданият саройида Киев шаҳар Ленин сайлов округи меҳнаткашлари республика Олий Советининг депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Петр Ефимович Шелест билан учрашдилар.

Ишончли вакил Т. Е. Шевченко номидаги Киев Давлат университетининг профессори ҳуқуқ фанлар доктори И. С. Ступницкий депутатликка номзоднинг ҳаёти ва фаолиятини гапириб берди, барча сайловчиларни сайлов кунида яқдил бўлиб коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Сўнгра 1-йўл-қурилиш бошқармасининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. А. Шураев, Украина ССРдаги 30-мактабнинг хизмат кўрсатган ўқитувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. П. Иваненко, ҳарбий хизматчи А. Н. Смолин, ёзувчи Платон Воронько, Киев метростройининг проходчиги Н. И. Батюк, академик А. А. Богомольц номидаги Киев медицина институтининг студенти Людмила Гордиенко сўзга чиқдилар. Улар Коммунистик партиянинг миллий сиёсати тантана қилганлигини, киевликлар КПСС XXIV съездининг қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошираётганликларини гапириб ўтишди.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган П. Е. Шелест сўзга чиқди. У ўзини Украина ССР Олий Советига депутатлигига номзод қилиб кўрсатган сайловчиларга чин кўнгилдан ташаккур айтди ва халқнинг бу ишончини халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг асоси қилиб олган Ленин партиясига кўрсатилган ишонч, деб биламан, деди.

П. Е. Шелест ўтган беш йиллик мобайнида Киев меҳнаткашлари эришган меҳнат муваффақиятларини, уларнинг фаровонлиги қандай яхшиланиб борганлигини гапириб ўтди.

П. Е. Шелест идеология ишининг вазифаларига тўхталиб ўтди. Партия, совет, касаба союз ташкилотлари, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари барча меҳнатчиларнинг онгини ва маданий савиясини тўхтовсиз юксалтириш, маҳоратларини ошириш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилиб туришлари лозим. Аҳолининг турли категориялари орасида тарбиявий ишни тағин ҳам жиддийроқ ўтказиш, бизга душман идеология кўринишларига кескин зарба бериш зарур. Социализм жамиятининг турмушини белгилаб берувчи социалистик ҳуқуқ тартибга қаттиқ риоя қилиш керак.

П. Е. Шелест ўз нутқининг охирида Украина ССР Олий Совети депутатлигига бизнинг номзодимиз бўлсин, деб, юксак ишонч билдириб иззат ва ҳурмат қилган сайловчиларга чин кўнгилдан яна бир марта ташаккур изҳор қилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербицкий ҳозир бўлди.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВИ

447-Ленинобод сайлов округи меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Йўлдош Раҳимович Қурбонов билан учрашди.

Сайловолди йиғилишида сўзга чиққан кишилар автоном республика меҳнаткашлари сайловни меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда кутиб олаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Улар 13 июнь—сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун ҳаҳлик билан овоз берамиз, дедилар.

П. Р. Қурбонов сайловчилар йиғилишида нутқ сўзлаб, юксак ишонч учун ташаккур айтди ва бу ишончни амалий ишим билан оқлайман, деб ваъда берди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Колхозчиларнинг пенсия таъминотини янада яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришнинг ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги 1956 йил 14 июнь Қонунида (СССР Олий Совети Ведомостлари, 1956 йил 15-сон, 313-бет) белгиланган тартиби колхозларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига ҳам жорий қилинсин.

Колхоз аъзоларининг қарилик пенсияси минимал миқдори ойига 20 сўмга етказилсин (бу пенсиянинг максимал миқдори ойига 120 сўмлигича сақлаб қолинсин).

Колхоз аъзоларининг инвалидлик пенсиялари минимал миқдори қўйайтирилсин.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллига чалиниш оқибатида: I группа инвалидлар пенсиясининг минимал миқдори ойига 35 сўмга, 2 группа инвалидларинки 25 сўмга, 3 группа инвалидларинки 16 сўмга етказилсин:

Умумий касаллик оқибатида: 1 группа инвалидлар пенсиясининг минимал миқдори ойига 30 сўмга, 2 группа инвалидларнки 20 сўмга етказилсин.

Боқувчисидан маҳрум бўлганлиги сабабли колхозчиларнинг оилаларига бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорлари: оиланинг меҳнатга яроқсиз уч ёки ундан кўп аъзоси бўлган тақдирда — ойига 30 сўмга, оиланинг меҳнатга яроқсиз икки аъзоси бўлган тақдирда — 20 сўмга, оиланинг меҳнатга яроқли бир аъзоси бўлган тақдирда — 16 сўмга етказилсин.

Узоқ Шимол районларида камида 15 календарь йил ишлаган. Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда эса камида 20 йил ишлаган колхоз аъзоларининг қарилик пенсияси олиш ҳуқукини берадиган ёши: эркаклар 60 ёшдан 55 ёшга, аёлларнки 55 ёшдан 50 ёшга келтирилсин.

2. Шу Фармоннинг 1-моддасига биноан СССРдаги «Колхозларнинг аъзоларига пенсиялар ва нафақалар тўғрисида»ги 1964 йил 15 июль Қонунига (СССР Олий Совети Ведомостлари, 1964 йил, 29-сон, 340-бет); (1967 йил 39-сон, 520-бет) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 6-модда қуйидаги мазмундаги абзац билан тўлдирилсин:

«Узоқ Шимол районларида камида 15 календарь йил ишлаган. Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойларда эса камида 20 йил ишлаган колхоз аъзолари: эркаклар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 50 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлганда»

2) 8, 11 ва 14-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8-модда. Колхозларнинг аъзоларига қарилик пенсиялари СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида ишчи ва хизматчилар учун (ер ости ишларида, меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда ва иссиқ цехларда ишловчилардан ташқари) белгиланган миқдорларда тайинланади, тегишли ҳолларда мазкур Қонуннинг 56-моддаси қўлланилади. Шу билан бирга ойига 35 сўмгача иш ҳақидан ҳисоблаб чиқариладиган пенсиянинг энг оз миқдори 20 сўм қилиб белгиланади.

Қарилик пенсиясининг минимал миқдори ойига 20 сўм қилиб белгиланади».

«11-модда. Колхоз аъзоларига меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги оқибатида бериладиган инвалидлик пенсиялари СССРнинг «Давлат пенсиялари» тўғрисидаги қонуни 22-моддасининг «А» «Б» ва «В» бандларида ишчи ва хизматчилар учун кўзда тутилган миқдорларда тайинланади, тегишли ҳолларда мазкур Қонуннинг 56-моддаси қўлланилади.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида бериладиган инвалидлик пенсияларнинг минимал миқдорлари: 1-группа инвалидлар учун ойига — 35 сўм, II группа инвалидлар учун — 25 сўм, III группа инвалидлар учун — 16 сўм қилиб белгиланади.

Колхоз аъзоларига умумий касаллик оқибатидаги I ва II группа инвалидлик учун бериладиган пенсиялар СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги Қонуни 23-моддасининг «А» ва «Б» бандларида ишчи ва хизматчилар учун кўзда тутилган миқдорларда тайинланади, тегишли ҳолларда мазкур қонуннинг 56-моддаси қўлланилади.

Умумий касаллик оқибатидаги инвалидлик учун тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдорлари: I группа инвалидлар учун — ойига 30 сўм, II группа инвалидлари учун — 20 сўм қилиб белгиланади. Инвалидлик учун бериладиган пенсияларнинг максимал миқдорлари СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги қонунида ишчи ва хизматчилар учун кўзда тутилган инвалидлик пенсияларнинг максимал миқдорлари даражасида белгиланади».

«14-модда. Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида вафот этган колхозчиларнинг оилаларига бериладиган пенсиялар СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги Қонуни 33-моддасининг «А», «Б» ва «В» бандларида ишчи ва хизматчиларнинг оилалари учун кўзда тутилган миқдорларда тайинланади, тегишли ҳолларда мазкур Қонуннинг 56-моддаси қўлланилади.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган колхозчиларнинг оилаларига бериладиган пенсиялар СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги Қонуни 34-моддасининг «А», «Б» ва «В» бандларида ишчи ва хизматчиларнинг оилалари учун кўзда тутилган миқдорларда тайинланади, тегишли ҳолларда мазкур Қонун 56-моддаси қўлланилади.

Пенсияларнинг минимал миқдорлари: оиланинг меҳнатга яроқсиз уч ёки ундан кўп аъзоси бўлган тақдирда ойига 30 сўм, оиланинг меҳнатга яроқсиз икки аъзоси бўлган тақдирда ойига 20 сўм, оиланинг меҳнатга яроқсиз бир аъзоси бўлган тақдирда — 16 сўм қилиб белгиланади.

Боқувчисидан маҳрум бўлганлиги сабабли бериладиган пенсиларнинг максимал миқдорлари СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги Қонунида ишчи ва хизматчиларнинг оилалари учун боқувчисидан маҳрум бўлганлиги сабабли тайинланадиган пенсияларнинг ишчи ва хизматчилар оилалари учун кўзда тутилган максимал миқдорлари даражасида белгиланади».

3. Ушбу Фармон 1971 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

4. Ушбу Фармон кучга киритилишидан аввал тайинланган пенсиялар қуйидаги асосларда тўланади:

а) шу Фармонга биноан кўпроқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерларга тўланадиган пенсиялар шу Фармонда белгиланган миқдорларда қўйайтирилади;

б) бошқа пенсионерларга тўланадиган пенсиялар аввал тайинланган миқдорларда сақланиб қолади.

5. Шу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартишларни СССР ҳукумати қарорларига киритиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 3 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ҚАРИЛИК ПЕНСИЯСИ МИНИМАЛ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ишчи ва хизматчиларнинг пенсия таъминотини янада яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ишчи ва хизматчилар қарилик пенсиясининг минимал миқдори ойига 45 сўмга етказилиб, пенсиянинг ойига 120 сўмдан иборат амалдаги максимал миқдори сақлаб қолинсин.

Шунга биноан, СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги 1956 йил 14 июль қонунининг 13-моддаси (СССР Олий Совети ведомостлари, 1956 йил 15 сон, 313-бет) пенсиянинг минимал миқдори қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарилик пенсиясининг минимал миқдори ойига 45 сўм қилиб белгилансин».

2. Бу Фармон 1971 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилсин.

3. Ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишларни СССР ҳукумати қарорларига киритиш СССР Министрлар Советига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил, 3 июнь.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЎРТОҚ А. П. КИРИЛЕНКО НУТҚИ

Делегат ўртоқлар!
Азиз дўстлар!

Совет космонавтикасининг янги зўр муваффақияти — космоснинг довюрак тадқиқотчилари бўлган коммунистлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пацаевни илмий станция — ер йўлдошига элтиб қўйган «Союз-11» транспорт кемасинин парвози тўғрисидаги хушхабарни съездингиз шодиёна кутиб олганлиги бизнинг делегациямизни жуда хурсанд қилди. Дунёда биринчи марта ер атрофи фазосида учувчи бошқарадиган «Салют» орбитал илмий станцияси яратилди. Қаҳрамон космонавтлар, образли қилиб айтганда, ўзларининг космик уйларида мураккаб ва масъулиятли ишни давом эттирмоқдалар ва коинот сирларини янада чуқур ўрганиш борасида тарихий қадам қўйилди, деб ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин. Совет фани ва техникасининг бу ғалабаси тинчлик манфаатларига, меҳнаткашларнинг манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилади.

Ҳурматли делегатлар!

Қардош партия съезди ишида қатнашиш, — катта шараф ва шу билан бирга тажрибаларни баҳам кўришнинг яхши амалий формаси ҳамдир. Айни съезд муҳитида қардош мамлакатнинг томир урушини сезиш, дўстларнинг ишлари, режалари, фикрларини кўриш ва тушуниш мумкин. Монголия Халқ Революцион партиясининг XVI съездига КПСС делегациясини юбориш тўғрисида МХРП Марказий Комитети йўллаган таклифномани бизнинг партиямиз зўр миннатдорчилик билан қабул қилди.

Сизларнинг съездингизда ленинчи партиямизнинг вакили бўлиб қатнашиш бизга зўр мамнуният бахш этади. Делегат ўртоқлар, сизларга — барча монгол коммунистларига ва мамлакатингизнинг меҳнаткашларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг, совет коммунистлари, бутун совет халқининг қизғин саломи ва эзгу тилакларини хурсандчилик билан топширамиз. Шонли Монголия халқ революцион партиясининг XVI съезди ишини ҳозир мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари ғоят қизиқиб ва эътибор бериб кузатиб турибдилар.

Ўртоқлар! Кейинги вақтларда бир қанча социалистик мамлакатларда ўз халқларининг раҳбар кучи бўлган партияларнинг навбатдаги съездлари бўлиб ўтди. Яқиндагина КПССнинг XXIV съезди бўлди. Бу съезд советлар мамлакати ривожининг асосий босқичларини белгилаб берадиган партиямиз олий анжуманлари орасида жуда муҳим ўрин олди. Коммунизм қуришни давом эттиришнинг съезд қабул қилган батафсил, илмий асосланган программаси, съезд баён этган назарий қоидалар ва сиёсий хулосалар коммунизм учун курашда жуда кучли қурол бўлиб қолди. Улар марксизм-ленинизм фанини анчагина бойитади. Қардош партияларнинг яқдиллик билан айтаётган фикрларига қараганда, XXIV съезд жуда катта халқаро аҳамиятга эга. Унинг қарорлари бизнинг дунёда рўй бераётган асосий социал жараёнлар тўғрисидаги тушунчамизни кенгайтиради, жаҳон революцион ҳаракатини ривожлантиришга кучли таъсир ўтказади.

Болгария Коммунистик партиясининг X съезди катта самарали иш қилди. Чехословакия Коммунистик партиясининг яқинда тамом бўлган XIV съезди Чехословакия коммунистларининг ЧССРдаги социализм душманлари устидан ғалаба қозонганлигини намойиш этди, социализм ғоялари тантана қилган съезд бўлди.

Зўр мамнуният билан айтиш мумкинки, бўлиб ўтган съездлар уларнинг ғоялари ва сиёсий йўл-йўриқлари халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга, жаҳон социализмини, социал тараққиёт қуч ларининг бутун революцион ўзгартирувчилик фаолиятини ривожланишларга қўшилган катта ҳисса бўлди. Босиб ўтилган йўл натижаларини пухта ва атрофлича анализ қилиб, социализмнинг улкан муваффақиятларини, шунингдек, ижтимоий ривожланишдаги мўйайн қийинчиликларни ҳам тўла-тўкис ҳисобга олиб, коммунистлар социализм ва коммунизмнинг янги ғалабаларига эришиш йўлини ленинча маҳорат билан очиб бермоқдалар. Қардош партияларнинг бутун фаолияти, бизнинг келажак режаларимиз социалистик давлатлар қудрати муттасил ўсиб бораётганлигини, социалистик тузумнинг зўр ривожланиш қобилиятини, унинг бунёдкорлик қучини яққол намойиш қилади.

Ижодкорлик ва революцион ташаббус руҳи, марксизм-ленинизм таълимотига, социалистик интернационализм принципларига чексиз садоқат — қардош партияларимиз съездларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар ҳаммамизнинг муштарак буюк революцион ишимизнинг тўла-тўкис ва узил-кесил тантана қилишига бўлган ишончни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди.

Бу гапларнинг ҳаммаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бутун коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Монголия халқ революцион партиясининг XVI съездига ҳам тааллуқлидир. Шу залда ҳамма қитъалардаги қардош партияларнинг делегациялари ҳозир бўлганлиги съездингизнинг катта халқаро аҳамиятини таъкидлаб турибди.

Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети номидан Марказий Комитетнинг биринчи секретари ўртоқ Ю. Цеденбал қилган чуқур маъноли ва сермазмун ҳисобот докладида Монголия меҳнаткашларининг жуда катта муваффақиятлари яққол тасвирлаб берилди, хўжалик, социал ва маданий ривожланишнинг илҳомбахш плани баён этилди, партия билан халқнинг қучларини шу планни бажаришга сафарбар қилишнинг ташкилий формалари белгиланди. Бу муҳим сиёсий ҳужжатда халқ Монголиясидаги социалистик қурилишнинг катта тарихий тажрибаси умумлаштирилди, миллий ва интернационал вазифалар узвий равишда бир-бирига уйғунлаштирилган йўл марксизм-ленинизм позицияларида туриб, монгол революционерларининг интернационал анъаналари руҳида асослаб берилди, қардош социалистик мамлакатлар билан, Коммунистик ва ишчи партиялар ҳамда миллий озодлик ҳаракати билан алоқалар ва ҳамкорликни кенгайтириш йўли белгиланди.

Монголия халқ революцион партиясининг XV съездидан кейин ўтган даврнинг ичида монгол халқи социалистик қурилишда яна бир катта қадам қўйди, ишлаб чиқарувчи қучларни ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда сезиларли силжишга эришди. Ана шу муҳим ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборатки, монгол халқининг социалистик ғалабалари кенгайтирилди ва чуқурлаштирилди.

Ҳозирги Монголия бутун дунё кўз ўнгида келажакка интилиб турган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда. Экономика ва социал структурада, идеологияда, ижтимоий ҳаётнинг деярли ҳамма соҳаларида социалистик тузум ғуфайли, Монголия халқ революцион партиясининг, унинг меҳнаткаш монгол халқи шонли фарзанди, ватанпарвар ва интернационалчи, халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги Марказий Комитети ўтказаётган аниқ мақсадни кўзловчи сиёсат ва фаолият туфайли юзага келган кўпгина янгиликларни кўриш мумкин.

Монгол коммунистлари муҳокама қилинаётган масалаларга амалий ва конкрет равишда ёндашаётганлиги, келгуси йилларда сизлар ҳал қилишга мўлжаллаётган вазифаларнинг кўлами XVI съездга меҳмон бўлиб келган, бизларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ёш Монголия индустриясининг ривожи совет кишиларини астойдил қувонтиради. Унинг мамлакат экономикасидаги салмоги муттасил ошиб бормоқда. Социалистик Монголия қадамба-қадам индустриал-аграр мамлакатга айланиш йўлидан бормоқда. 1966—1970 йилларнинг ўзида республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1,6 баравар кўпайди, саноат йилига ўрта ҳисобда 9,9 процент ўсиб борди. Бу—сизларнинг дўстларингиз бўлган бизларни ҳам бениҳоя мамнун қиладиган жуда яхши натижалардир.

Монголия саноати республикани ривожлантиришда ҳозирнинг ўзидаёқ каттагина роль ўйнаётган бўлса ҳам, лекин келажакда бундан ҳам катта роль ўйнаши лозим бўлади. Бу саноат ҳозирги замон фани ва техникаси ютуқларидан социализм манфаатлари йўлида ҳал қилувчи даражада фойдаланиш имконини берадиган омил бўлиб колади. Унинг шаҳдам ривожланиши қишлоқ хўжалигини янада тобора кўпроқ юксалтиришга ёрдам бераверади.

Аграр сектор ва аввало чорвачилик республикангиз экономикасида нақадар муҳим ўрин олиб турганлигини биз яхши биламиз, ўртоқлар. Съезд экономиканинг ана шу тармоғига бу қадар эътибор бераётганлигининг сабабини ҳам тушунамиз. Сизларнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхшилаш билан бирга аратларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тадбирларини кўриш соҳасида белгилаётган йўлингиз чорвачиликни ривожлантиришгагина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг умумий аҳволига ҳам самарали таъсир қилиши керак.

Сизлар Ленин ғояларига амал қилиб, чинакам маданий революцияни амалга оширдингиз. Бу соҳадаги намуналарингиз кўп мамлакатлар учун жозибадор куч бўлиб қолди. Социалистик идеология халқнинг маънавий турмушига жуда сингиб кетди. Ҳозирги вақтда сизлар мажбурий тўлиқсиз ўрта таълимга ўтишни амалга оширмоқдасиз. Бу тадбир—социализм ҳар бир меҳнатга илм-маданият эшигини очиб беради, деган ҳақиқатнинг янги бир исботи бўлиб хизмат қилади.

Монголия Халқ Республикаси бутун монгол халқининг меҳнати билан қурилмоқда ва ривожланмоқда. Сизларнинг ҳозирги ғалабаларингизда биз республиканинг ёш ишчилар синфи куч-ғайратининг натижасини кўриб турибмиз. Ишчилар синфининг дунёга келиши жамиятнинг социал структурасида революцион силжиш бўлганлигини билдиради. Монголия ишчилар синфи илғор корхоналарда ҳозирги замон даражасида, энг юксак талаблар даражасида ишлаш намуналарини кўрсатди. Унинг малакаси тез ўсиб бормоқда, зотан, ишчилар синфи мамлакатни келгусида социалистик ривожлантиришнинг етакчи кучи бўлиш ролини шараф билан бажариш ишига шак-шубҳа йўқ.

Сизларнинг ғалабаларингизда биз аратлар, қишлоқ хўжалигининг ҳамма меҳнатчилари қилган фидокорона меҳнат натижасини кўриб турибмиз. Монгол чорвадорлари ва деҳқони қийин табиий шароитларда меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг меҳнати иззат-икром қилинмоқда ва сизларнинг съездингиз қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш юзасидан уларнинг олдига ғоят муҳим вазифаларни қўймоқда.

Халқ зиёлилари социалистик Монголия муваффақиятларига катта ҳисса қўшмоқда. Монгол аратлари орасидан, ишчилар синфи орасидан инженерлар ва олимлар, ўқитувчилар ва врачлар, адабиёт ва санъат арбоблари етишиб чиқди. Социалистик тузум шароитида вояга етган монгол зиёлилари ўз халқи билан узвий боғланган. Улар социалистик идеалларга жуда берилган кишилар бўлиб, социалистик қурилишда актив иштирок этмоқдалар.

Шу залда биз ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган кўпгина ўртоқларни кўриб турибмиз. Партия энг яхши кишилари, ўз меҳнати, иши билан, вазифасига намунавий муносабатда бўлиши билан мамлакатнинг келгуси, йилларга мўлжалланган планларини белгилаб берадиган олий партия анжуманида қатнашиш ҳуқуқига сазовор бўлган кишиларни ўз съездига делегат қилиб юборди.

Съездингизда ишлаб чиқариш илғорларининг, янги социалистик Монголия кишиларининг, чунончи, Монголия Халқ Республикаси меҳнат қаҳрамони тепловоз машинисти ўртоқ О. Ойдовням ва ўз ишининг ажойиб миришкори, чорвадор ўртоқ Ц. Цэвэгмиднинг нутқлари ҳар бир кишини жуда тўлқинлантирди. Уларнинг нутқларида ўз партияси билан мамлакатнинг ишларига чинакам давлат нуқтаи-назаридан қараш тимсоли намоён бўлди. Социалистик тузум ана шундай кишиларни тарбиялаб етиштирмоқда! Халқ ҳокимияти меҳнаткаш инсонни ана шундай юксакликка кўтармоқда!

Халқ монголиясининг ишчилар синфига, қишлоқ хўжалик меҳнатчиларига ва зиёлиларига шон-шарафлар бўлсин!

(Давоми 3-бетда).

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЎРТОҚ А. П. КИРИЛЕНКО НУТҚИ

(Боши 2-бетда)

Ўртоқлар! Бутун монгол халқи социалистик ривожланиш йўлидан бориб, чинакам равнақка эришганлиги фактининг халқаро аҳамиятини бизнинг партиямиз юксак баҳолайди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошди, халқ соғлиғини сақлаш ва маорифнинг давлат системалари барпо этилди, халқнинг турмуш шароити ўзгарди, республика гражданларининг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди.

Ҳозир Монголия Халқ Республикаси янги катта ишлар бўсағасида турибди. Сизларнинг съезданингиз муҳокама қиладиган янги беш йиллик планга доир директивалар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари олдига катта вазифалар қўяди, мамлакат олдида катта кенг истиқболлар очиб беради. Партиянинг режалари социализм қурилишининг умумий қонунларига асосланади ва айни вақтда Монголиянинг миллий ҳамма тарихий хусусиятларини ҳисобга олади. Марксизм-ленинизм назарияси масалага худди ана шундай ёндашиш керак, деб таълим беради. Унинг тўғрилиги барча социалистик давлатларнинг тажрибасида, шу жумладан Монголия Халқ Республикасининг нокапиталистик ривожланиш практикасида исботланган.

Монголия халқ революцион партияси навбатдаги ва узоқ муддатли мақсадларни белгилашда марксча-ленинча методга амал қилиб, аҳволни реалистик ва сергак баҳоламоқда. Сизлар мамлакатни ривожлантиришдаги муваффақиятларга биз эришилган даражага таянаётган бўлсангиз ҳам, баъзан социализм қурилишида содир бўлиб турадиган муайян камчиликлар ва қийинчиликларга ҳам дуч келмоқдасизлар. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ҳамма ҳодисалар ва жараёнларни чуқур таҳлидий анализ қилиш, пайдо бўлаётган проблемаларни ўз вақтида ҳал этиш — мамлакатни идора қилувчи партиянинг муҳим вазифаси эканлигини улуғ Ленин неча марталаб таъкидлаган эди.

Монголия ишчилар синфи, меҳнаткаш аратлари, халқ зиёлилари Монголия халқ революцион партияси раҳбарлигида беш йиллиқнинг асосий иқтисодий вазифасини амалга оширишга бўлган ишончингизга биз ҳам қўшиламиз. Сизлар ижтимоий ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эришасизлар, қишлоқ хўжалигини мутасил ривожлантиришни таъминлайсизлар, экономиканинг ҳамма тармоқлари самарадорлигини оширасизлар, бунга аминмиз. Бу эса шу съезд белгилаб берадиган планларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Делегат ўртоқлар, сизларнинг, барча монгол коммунистларининг, монгол халқининг ғўзал мамлакатингизда социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан ҳозирги вақтда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларидаги ютуқлар ва ўзаро ёрдам муносабатларини барпо қилдик. Ҳозирги кунда биз Совет Иттифоқи ва Монголия марксча-ленинча ғоялар ва принципларимизга қатъий садоқат ҳамиша монгол революционерларига хос хусусият бўлиб келди. Биз, монгол коммунистларининг дўстлари ва сафдошлари, ҳаммамиз ана шу фазилатлар учун жаҳон коммунистик ҳаракатининг жанговар отряди — Монголия халқ революцион партиясини ғоят иззат-ҳурмат қиламиз.

Бундан беш йил муқаддам, 1966 йилда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Биз ҳозирги кунда ана шу ҳужжат бузилмас совет-монгол дўстлигининг улуғ хартияси сифатидаги аҳамиятини тўла очиб берди деб айтишга ҳақлимиз. Биз снёсат соҳасида ҳам, экономика соҳасида ҳам, идеология соҳасида ҳам қўлма-қўл ушлашиб ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг алоқаларимиз йил сайин кўп қиррали, самарали ва мустаҳкам алоқалар бўлиб қолмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Монголия халқ революцион партияси ўртасида, мамлакатларимизнинг ҳукуматлари ўртасида барча актуал масалалар юзасидан амалий ўртоқларча маслаҳатлашиб олиш практикаси вужудга келди. Биз рўй бераётган проблемаларни чинакам ҳуқуқий тенглик ва қардошларча ҳамжиҳатлик руҳида муҳокама қилмоқдамиз. Аслини олганда, ҳар бир масала юзасидан сизлар билан биз мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига ҳам, интернационал манфаатларига ҳам тўла жавоб берадиган қарорларни қабул қилиб келдик. Ўртоқлар, бу жуда ажойиб бир ҳол! Бу — чинакам социалистик муносабатлар намунаси ҳамдир!

Ўртоқ Л. И. Брежнев XXIV съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «мана, ярим асрдирки, КПСС, Совет давлати Монголия халқ революцион партияси билан, Монголия Халқ Республикаси билан силнарган дўстлик алоқалари туфайли мустаҳкам боғланғандир. Социалистик Монголиянинг содиқ дўсти ва иттифоқчиси бўлган Совет Иттифоқи монголиялик дўстларининг экономика соҳасидаги катта-катта проблемаларни ҳал этишга, ўз мамлакатининг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини актив қўллаб-қувватламоқда». Партиямизнинг ва Совет давлатининг сиёсати ана шу сўзларда ифода этилган. Биз бу сиёсатга амал қилиб келдик ва доим изчиллик билан амал қилаверамиз.

Ўртоқлар! Биз меҳмондўст мамлакатингизга келишимиз билан Совет Иттифоқи тўғрисида, КПССнинг ленинча сиёсати тўғрисида кўпгина самимий гаплар эшитдик. Партия Марказий Комитетининг биринчи секретари, қалин дўстимиз ўртоқ Ю. Цеденбалнинг докладида ва съезд делегатларининг нутқларида КПСС XXIV съезди ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида, бузилмас совет-монгол дўстлиги тўғрисида гапиридли. Бизнинг делегациямиз ана шундай дўстлик туйғуларидан астойдил хурсанд бўлди ва совет коммунистларининг, қаҳрамон совет халқининг фаолиятига юксак баҳо берганлигингиз учун сизларга самимий ташаккур изҳор қилади. Азиз ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи бундан буён ҳам социализм ва коммунизм қуриш учун курашда дўстлигимизни, қардошлигимизни мустаҳкамлаб кучайтириб боради деб сизларни ишонтириб ўтишга ижозат бергайсиз.

Совет халқи ҳозирги вақтда КПСС XXIV съездининг қарорларини бажариш соҳасида ишлар олиб бормоқда. Съезд тамом бўлганидан атиги икки ой ўтган бўлса ҳам, съезд режаларини амалга ошириш йўлида кўп иш қилинганлигини сизларга маълум қилиш билан хурсандмиз. Мамлакатда беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг юксак суръатларини таъминлаш учун ишлаб чиқариш коллективларининг оммавий мусобақаси авж олиб кетди.

Деярли ҳар бир партия ташкилотида, меҳнаткашларнинг ҳар бир коллективида йиғилишлар бўлиб ўтди. Коммунистлар, меҳнаткашлар бу йиғилишларда съезд қарорларига амалий жавоб қайтариб, конкрет социалистик мажбуриятлар олишди. Пропаганда ва ташкилий ишлар амалга оширилаётганлиги мамлакатда съезд туфайли ғоят кучайиб кетган снёсий активлик ва меҳнат ғайратини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Партия белгилаб берган программани амалга ошириш учун курашда яхши ишларга асос қўйилди. Саноатимизнинг барча тармоқлари 1971 йил дастлабки беш ойи план топшириқларини бажарди. Январь-майда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1970 йилнинг шу давридагига нисбатан 8,7 процент ортди. Энергетика, метал

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЎРТОҚ Ю. ЦЕДЕНБАЛ ДОКЛАДИ

(Бошы 3-бетда).

Монголия халқ революцион партиясининг коммунистик ҳаракатнинг бошқа отрядлари билан ҳамкорлиги ўсиб ва кенгайиб бораётганлигини яна шу факт ҳам кўрсатиб турибдки, ҳозирги вақтда бизнинг партиямиз жаҳондаги 70 дан знёдроқ Коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқа ва ҳамкорлик қилиб турибди.

Қарашлар ва ҳаракатларнинг бирлиги, доимий қардошларча ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш Монголия халқ революцион партиясининг улуғ Ленин партияси — КПСС билан ва бошқа социалистик мамлакатларнинг маркса-ленинча партиялари билан ўзаро муносабатларини аққол кўрсатиб турувчи белги ва қонда бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Монголия коммунистлари ва меҳнаткашлари жаҳон коммунистик ҳаракатнинг энг чиниққан ва тажрибали отряди, улуғ марксизм-ленинизм байроғига чексиз содиқлик намунаси бўлиб келаётган КПССни алоҳида ҳурматлаб унга ҳар доим сидқидилдан хайриҳоҳ бўлиб келмоқдалар.

Тинчлик ва ялпи хавфсизлик учун, империалистик агрессия ва уруш сиёсатига қарши кураш олиб бораётган халқларга ҳар томонлама кўмаклашишни Ўрток Цеденбал партия ва давлат ташқи сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири деб кўрсатиб ўтди. Чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери инсоният жаҳон урушидан ҳалос бўлиб турганлиги деди у, замонимизнинг энг улуғ муваффақиятидир, бунга улуғ Совет Иттифоқининг тинмай олиб бораётган кураши туфайли, социалистик мамлакатлар халқларининг ва барча тинчликсевар кучларининг тинчликни ва ялпи хавфсизликни ҳимоя қилиб, янги жаҳон уруши хавфига қарши курашаётганлиги туфайли эришилди.

Америка империалистларининг Ҳинди-Хитой халқларига қарши — жинояткорона агрессиясини, деди сўнгра Ю. Цеденбал, биз съездимизнинг минбарида туриб, кескин равишда қоралаймиз. Бизнинг партиямиз шармандали мустамлакачилик урушини дарҳол тўхатишни, Америка қўшинларини Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларидан ҳеч сўзсиз ва батамом олиб чиқиб кетишни Вьетнам, Камбоджа ва Лаос проблемаларини тез сиёсий бартараф қилишнинг ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ўрнатишнинг бирдан бир реал йўли, деб ҳисоблайди.

Осиёдаги социалистик мамлакат бўлган Монголия Халқ Республикаси Осиёда ва Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизлик таъминланишидан гоят манфаатдордир. Монголия Халқ Республикаси Кореянинг парчаланганлигини абадийлаштиришдан иборат бўлган империалистик сиёсатга қарши, бутун корейс халқининг манфаатларини кўзлаб, Узоқ Шарқда тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, шу мамлакатни тинч ва демократик бирлаштириш учун кескин равишда ҳаракат қилмоқда.

Осиё давлатлари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган самарали ҳамкорликни ривожлантириш ер куррасининг мана шу қисмида доимий тинчлик ўрнатиш ишига, ҳеч шубҳасиз, хизмат қилган бўлур эди. Шу муносабат билан Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисида 1969 йилда Совет Иттифоқи таклиф қилган фикрни Осиё халқлари қўллаб-қувватламоқдалар, улар бундай системе вужудга келтиришни қитъада тинчликни таъминлашнинг мустаҳкам гарантияси бўлади, деб билмоқдалар.

Бошқа қардош социалистик мамлакатлар каби Монголия Халқ Республикаси ҳам Яқин Шарқ танглиги бошланиши биланоқ араб халқлари томонидан қатъият билан туриб ва уларнинг миллий мустақиллик, территориал бутунлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашига ўзининг қизғин бирдамлигини изҳор қилмоқда.

Европа хавфсизлигини таъминлаш проблемаси ҳозирги халқаро ривожланишнинг энг актуал ва энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди, жаҳон жамоатчилигининг диққат эътибори мана шу проблема билан банд. СССР билан Германия Федератив Республикаси, Польша Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган, Европадаги урушдан кейинги ривожланишнинг якунларини ва янги руҳини ўзида мужассамлаштирган шартномалар Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Монголия Халқ Республикаси Европадаги барча давлатлар ўртасидаги, жумладан Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларни иккита суверен герман давлати мавжудлигини халқаро ҳуқуқ жиҳатидан эътироф этиш асосида нормаллаштиришни талаб қилиб келмоқда.

Ҳисобот даврида, деди сўнгра, Ю. Цеденбал, Монголия Халқ Республикаси 20 давлат билан дипломатик муносабатлар боғлади. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз жаҳоннинг 50 давлати билан дипломатик муносабат қилиб турибди. Мана шу пайтнинг ўзи социалистик Монголиянинг халқаро обрўйи ўсганлигидан ва унинг ташқи алоқалари янада тўхтовсиз кенгайиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Ю. Цеденбал Монголия халқ-революцион партиясининг социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашига ҳамда мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини яқин йиллар ичида ривожлантириш вазифаларига тўхталиб, янги беш йилликнинг (1971—1975 йиллар) асосий иқтисодий вазифаси қишлоқ хўжалигини тағин ҳам барқарор ўстириш, саноатни, экономиканинг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш йўли билан ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтиришга эришишдан, шу асосда меҳнаткашлар турмушининг моддий ва маданий даражасини тинимсиз оширишдан иборат бўлади, деб уқтириб ўтди.

Докладчи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига муфассал тўхталиб айтдики, янги беш йилликнинг асосий вазифаси жамоат чорва моллари туёғини кўпайтиришдан, мавжуд резервларни энг кўп сафарбар қилиб ва улардан рационал фойдаланиб ҳамда моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаб, шу асосда чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишдан иборат бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотини 1975 йилга қадар 1970 йилдагига нисбатан 22—25 процент кўпайтириш кўзда тутилади.

Тўртинчи беш йилликда Монголия Халқ Республикаси мамлакатни индустриал аграр-мамлакатга айлантириш вазифасини ҳал этишда олга томон янги қадам қўйди. Монголия Халқ Республикаси саноатининг ялпи маҳсулоти 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди, саноатнинг ўрта ҳисобда ҳар йилги ўсиш суръати эса 9,9 процент бўлди.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш анча кўпайди, жумладан электр энергия ҳосил қилиш 78 процент, кўмир қазиб чиқариш 77 процент, гўшт етиштириш 56 процент кўпайтирилди.

Саноатни территориал жойлаштириш ва унинг тармоқ структураси борасида ижобий силжишлар рўй берди.

Ю. Цеденбал янги беш йиллиқда саноатни ривожлантиришнинг асосий вазифалари халқ хўжалигининг ёқилғи — энергетика базасини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашдан, мамлакатнинг минерал хом ашё ресурсларини ишга солишни кенгайтиришдан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган тармоқларни ривожлантиришдан, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада оширишдан ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат бўлади, деди.

Монголия Халқ—Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари халқнинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва маданий қурилишни ривожлантириш вазифаларига тўхталиб айтдики, партия ўзининг амалий фаолиятида социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсадига — халқнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқроқ қондиришни таъминлаш мақсадига ҳар доим амал қилиб келмоқда.

Партия Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикасининг Министрлар Совети, жумладан, аҳолининг реал даромадларини беш йил ичида тахминан 22—25 процент кўпайтиришни 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планда кўзда тутишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Халқ маорифининг ягона системаси ривожлантирилганлиги ва такомиллаштирилганлиги маданий фронтдаги энг катта муваффақият бўлди. Тўртинчи беш йиллик йилларида тўлиқсиз умумий ўрта таълимга ўтиш бошланди.

Партия Марказий Комитети халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тахминан 10—15 йилга мўлжалланган илмий прогнозларини ва перспектив планларини ишлаб чиқишга киришиш зарур, деб ҳисоблайди. Узоқ муддатли планлар йирик иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал қилишни, халқ хўжалиги тармокларининг энг самарали структурасини шакллантиришни, ишлаб чиқарувчи кучларни тўғри жойлаштиришни ва шу кабиларни мўлжаллаб тузилиши лозим.

Монголия Халқ Республикаси социализм негизларини барпо қилиб, 60 йиллардан бошлаб ўз тараққиётининг янги босқичига — социализмнинг моддий техника базасини барпо қилишни тугаллаш босқичига ўтди, деб давом қилди. Ю. Цеденбал. Бу вазифани ҳал этмоқ учун анча кўп вақт ҳамда катта ҳажмдаги ишларни бажариш керак бўлади. Мамлакатимизда социализмни қуриш ишлари ривожланишнинг бутун бир тарихий палласини иқтисодий ўсишнинг бир қанча поғоналарини ўтишни тақозо қилади. Партия программасида кўрсатиб ўтилганидек, Монголия Халқ Республикасини яқин йиллар ичида индустриал—аграр мамлакатга, қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи саноатнинг рационал структурасига эга бўлган мамлакатга айлантириш, социалистик экономиканинг асосий тармоқларини тўғри ва мақбул тарзда қўшиб олиб бориш вазифасини ҳал этиш шу йўлдаги биринчи поғона бўлади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу вазифани амалга ошириш учун ўз партиясининг раҳбарлигида курашиб келмоқда.

Ўрток Ю. Цеденбал жамият ҳаётининг ҳаммэ соҳаларда партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли кучайиб бораётганлигини айтиб ўтди.

Коммунистларнинг кўп минг кишилик армияси меҳнаткашлар оммасига бош бўлиб, социализм қуриш учун курашнинг олдинги сафида бормоқда. Коммунистлар меҳнатга ҳалол онгли муносабатда бўлиш намунасини кўрсатмоқдалар. Партиянинг барча аъзолари Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини қизғин маъқуллаб якдиллик билан қувватламоқдалар, ўзларининг кундалик ишлари билан партия қарорларини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашмоқдалар.

Ўрток Ю. Цеденбал Монголия касаба союзларининг ва Монголия халқ-революцион партиясига жанговар ёрдамчи ва резерв бўлган Монголия революцион ёшлар союзининг меҳнаткашлар оммасини тайёрлашдаги катта ролини уқтириб ўтди.

Докладда партиянинг идеологик фаолиятига катта ўрин берилди.

Марксизм-ленинизм назарияси, дейди докладчи, Монголия халқ революцион партияси ғолвий сиёсий фаолиятининг илмий негизидир. КПСС билан ва бошқа қардош партиялар билан идеология иши тажрибаларини айрбошлашни янада кенгайтириш, марксизм-ленинизмнинг ғоявий софлиги ва уни ижодий ривожлантириш учун курашда биргаликда қилинаётган ҳаракатларни кенгайтириш партия турмушининг ғоявий даражасига, партия ташкилотлари ғоявий сиёсий фаолиятининг таъсирчанлигини оширишга самарали таъсир ўтказмоқда.

Жамият аъзоларининг ҳаммасини социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш, деди докладчи, ҳозирги шароитда алоҳида актуаллик касб этмоқда. Меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш, айниқса ёш авлодни Совет Иттифоқи билан, синфдош қардошларимиз билан бузилмас традицион дўстлик руҳида тарбиялаш-партиямизнинг доимий вазифасидир.

Монголия халқ революцион партиясининг XVI съезди деди докладчи, Монголия халқ революцион партиясининг марксизм-ленинизмга чексиз содиқлигини яна бир марта таъкидлашига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бу эса монголлар диёрида социализм қуришда янги ғалабаларни қўлга киритиш гаровидир.

Марказий Комитет Монголия халқ революцион партияси XVI съезднинг мамлакат халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир директивалари лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни умум халқнинг кенг муҳокамасига ҳавола қилди.

Коммунистлар ва меҳнаткашлар директивалар лойиҳасини мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришга халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ҳамда социализм қурувчиларининг — ишчилар синфи кооперативлашган аралтар ва меҳнаткашдеҳқонлар синфи ва зиёлиларнинг манфаатларига тўлатўкис мос бўлиб тушадиган программа, деб якдиллик билан маъқулладилар.

Докладнинг охирида Ю. Цеденбал бундай деди: Монголия халқ революцион партияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб шуни айтадики, меҳнаткаш монгол халқи ўз жонажон халқ революцион партиясининг XVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширишга бутун куч ва ғайратини сарфлайди. Монголия халқ революцион партиясининг ҳозирги XVI съезди партия программасини амалга ошириш йўлида янги вазифаларини белгилаб бериб, МХР социализмнинг тўла ғалабасини таъминлаш йўлида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

(Ўрток Юмжагийн Цеденбалнинг доклади зўр эътибор билан тингланди. Қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

ТОШКЕНТ—71

Тошкентда охирги марта бундан икки йилдан аввалроқ, СССР Большой театри гастролга борган пайтда бўлган эдим.

Москваликлар ўз санъатларини намойиш қилишди. Бундан тошкентликлар эстетик завқ олиб, ташаккур изҳор этишгани ҳамон ёдимда. Бу — рус ва ўзбек санъатининг байрамига, халқларнинг абадий бузилмас дўстлиги байрамига айланиб кетган эди.

Мен ўшанда қурилиш майдончаларида ҳам бўлдим. «Московская правда» газетаси бундай деб хабар берган эди: совет пойтахтининг бинокорлари ва бошқа иттифоқдош республикалар шаҳарларининг бинокорлари тошкентликлар билан қўлни-қўлга бериб, табиий офат — зилзила натижасида юз берган жароҳатларни чидам билан астойдил даволашдан ташқари янги-янги уйжой кварталларини, мактабларни, болалар боғчаларини ва магазинларни, маъмурий биноларни, касалхоналарни, меҳмонхона ва маданий муассасаларни қурмоқдалар.

«Главмосстрой» башня кранининг машинисти З. П. Соловьева қурилиш қизғин бораётган ўша йилларда ўз кундалик дафтарига қуйидагиларни ёзган эди:

«1966 йил май... Тошкент, жонажон, севикли шаҳар. Жонажон ва нотаниш, тўғрироғи, таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетган қадрдон шаҳар... мен сенинг жамолингни аввалгидан кўра кўркамроқ бўлишини истайман.

1967 йил апрель... Тошкент, сен соҳибжамол бўлиб бормоқдасан. Сенинг бўм-бўш ётган жойларингда москваликлар меҳнат қилганликлари билан ҳам фахрланаман.

1968 йил, апрель. Менинг Тошкентимда Москванинг бир зарраси бор. Мен бугун трамвайда келатуриб, шундай гапни эшитдим: «ана москваликларнинг уйи». Демак, тошкентликлар бинонинг сиртига қараб, бу бино қанчалик тез қурилаётганига қарабоқ москваликларнинг ўзига хос услубини билиб оладилар.

Сўнгги сатрлар ёзилгандан буён кўп нарса ўзгариб кетди. Москвадан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган бинокорлар аллақачон ўз ишларини тамомлаб, уйларига жўнаб кетишди. Вайроналардан қад кўтарган шаҳар камалакнинг барча рангларида товланмоқда. Бундан икки-икки ярим йил муқаддамроқ Чилонзорда ҳали бир қанча уйлар чала эди, шаҳарнинг марказий районларида ҳам чала уйлар бор эди. Кўпгина уйлар эса эндигина қурилмоқда эди.

Ҳозирчи? Энди Киров ва Куйбишев, Гоголь ва Пушкин кўчаларида гоят шинам, чиройлик пойтахтга хос уй-жойлар, магазинлар, ошхона, ресторанлар, маданий турмуш муассасалари қад кўтарган.

Улуғвор Санъат саройининг сафига яна бир янги иншоот — Спорт саройи қўшилди. Бу улкан иншоотнинг қоқ ўртасида музда рақсга тушадиган майдонча бор, муз устидаги балет ансамблининг моҳир санъаткорлари тез-тез майдонга тушиб турадилар. Бу йил жаҳон биринчилиги арафасида бу ерга Москва ва Горький шаҳарларининг машҳур хоккей усталари келишди. (Совет Армияси, «Спартак», «Химик» ва Горький шаҳрининг «Торпедо» командалари), иккита марказий газета — «Правда Востока», «Совет Узбекистони», газеталарининг кубогини олиш учун Узбекистон хоккей мусобақаси ўтказилди.

Тошкентда дастлабки хоккей жанги! Бу ҳақда бундан илгари ким ҳаёл қилиб кўрибди. Жазирама қуёшли мамлакатда муз-конки ва клюшки! Албатта, бу мусобақа республикада янги хоккейнинг туғилиши учун дебоча бўлди. Тез орада Тошкент фақат ўзининг кучли футбол командаси билангина эмас, хоккей командаси билан ҳам машҳур бўлиб қолади.

1968 йилнинг июлида В. И. Ленин номли Марказий музей филиали қурилиши бошланган эди. Бундан икки йил муқаддам бўлажак бинонинг баъзи бир нишоналаригина кўзга ташланиб турарди. Бу иншоот кишини ҳайратда қолдирадиган даражада қисқа муддатда барпо этилди. Бинонинг ўзини қуришгина кифоя эмас эди, ахир, уни, экспозицияларини жиҳозлаш керак эди. Эндиликда бу бино шаҳар марказини безатиб турибди, бино Ленин кўчасига туташиб кетди ва архитектура санъатининг энг машҳур асарларидан биридир. Бинонинг сиртқи кўринишиғ гоят даражада ўзига хослиги билан кишини мафтун этади. Мухташам катта дарвозаси, сиртқи деворларидаги нафис нақшлари бадиий оригиналлиги, айни пайтда миллий нақшлари билан кишини ҳайратда қолдиради. Музейнинг ичкарисига қадам қўйишингиз билан, сиз бамисоли эртакларидаги саройга кириб қолгандек сезасиз ўзингизни.

Музей ходимлари менга шундай воқеани айтиб беришди: кунлардан бирида бу ерга келган қариялар бинонинг ички безаклари ва экспозициясининг лойиҳасини тузган киши билан учраштиришларини илтимос қилишган. Тўсатдан қилинган таклифдан ҳаяжонланган безовчи бош рассом Е. М. Конин, келганида меҳмонлар унинг қўлини маҳкам қисиб, таъзим қилишиб, шундай дейишган:

— Раҳмат, азиз уста, жамлаки қилган яхшилигингиз учун раҳмат. Сиз улуғ Ленин тўғрисида ва унинг буюк асарлари ҳақида бу қадар одамийлик ва тантанаворлик билан ҳикоя қилинган қасрга келганлигимиз билан бахтиёрмиз.

Чиндан ҳам шундай! Бу музей экспозицияларининг изчиллиги ва оқилона жойлаштирилганлиги билан, гоят донишмандлик билан безатилганлиги билан, нодирлиги билан кишини қойил қолдиради. Бу ердаги ҳамма нарса зўр маҳорат ва дид билан ижро этилган Ильичнинг скульптура портрети ҳам кишини ҳайратда қолдирадиган даражада маҳорат билан яратилган. Бу сурат муаллифи машҳур совет ҳайкалтароши Николай Васильевич Томский. Мозаика панноси ҳам кишида чуқур таассурот қолдиради. Бу панно майда керамик плиталардан жамланган. Бу паннони Москвадаги Страгановский мактабининг ёш монументалистлари ишлаган. Лекин ёғочга ва ганчга гоят нозиклик билан солинган нақшлар алоҳида таассурот қолдиради. Бу нақшларни ажойиб ўзбек усталари К. Ҳайдаров билан М. Усмонов солишган. Бу нақшлар халқ санъати маҳоратининг энг яхши намунасидир. Энг маҳоратли усталаргина каттакон деворларни ва уларнинг ён-верини нозик миллий орнаментлар билан бунчалик муваффақиятли безата олишлари мумкин. Ленининг абадий барҳаёт фикридан баҳраманд бўлиш учун бу ерга, музейга республиканинг турли жойларидан кишилар келиб турибди.

1970 йил 17 апрелда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов тантанали вазиятда лентани қирқиб, кўпчиликнинг келиб кўриши учун музейни очди.

1970 йил 7 сентябрда эса музейни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев келиб кўрди. Л. И. Брежнев ҳурматли меҳмонлар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди.

«Янги музейнинг кўркам биноси, музейга қўйилган ва В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятини, унинг Шарқ халқлари ҳаётига ва революцион курашга ҳамиша эътибор берибқ келганлигини ифода этувчи экспонатлар — улуғ йўлбошчи туғилган кунинг, юз йиллигига тошкентликларнинг жуда яхши туҳфасидир.

Музей иши Ленин меросини Ўзбекистон меҳнаткашларининг янада чуқурроқ ўрганишларига кўмак беришига аминмиз».

...Тошкент кундан-кунга янада гўзалроқ ва улуғворроқ бўлиб бормоқда, шаҳар тобора баландроқ қад кўтармоқда. Кўпгина кўчаларда ҳозир ҳам аввалгидек ҳавозалар кўзга ташланиб турибди... Қурилаётган 17 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ўзининг зўр салобати билан катта таассурот қолдиради.

Шаҳар кумушсимон чироқлар ёқилган оқшом пайтида айниқса соҳибкамол бўлади. Кўчалар ва майдонлар, парклар ва ҳиёбонлар, бульварлар ва боғлар ранг-баранг байрам либосида. Тошкентлиқ ҳаёт дарёси оқиб турган йўлларидан завқ-шавқ билан борасан киши! Ҳаммаёқ чароғон, чорраҳалар, йўлкалар, уйларнинг деворлари, ҳамма жой чароғон. Ямяшил дарахтлар кўкка — қуёшга интилади. Булар ажиб манзара касб этади. Ҳоналар чароғон. Шундай дақиқаларда ажойиб ҳислар тўлқинига ғарқ бўлиб, ёшлигингда эшитган эртаклар дунёсида юргандек ҳис қиласан ўзингни.

Бугун кишилар ҳам бўлакча. Кейинги йиллардэ улар яхшироқ яшайдиган бўлиб қолишди. Уларнинг маънавий орзу-ҳаваслари анча ортди. Буни газета ва журналларнинг тиражи кўпайиб бораётганидан ҳам, санъат адабиёт дурдоналарига, театр ва кинога бўлган иштиёқ гоят ортганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Қуёш ўлкасига, унинг пойтахти Тошкентга донишманд кишилар, ўз юртининг чинакам ватанпарварлари, коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Икки йилда шунчалик ўзгариш бўлган экан, келажакда яна қандай улкан ўзгаришлар бўларкин?

Бундан кейин пойтахт янада яхшироқ, соҳибжамолроқ бўлади.

А. БЕРЕЗИН.
«МОСКОВСКАЯ ПРАВДА»
1971 йил 20 май.



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ студентлар шаҳарчаси кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда маъмурий, маданий ва олий ўқув юртлари учун бунёд этилаётган бинолар шаҳарча ҳуснига-ҳуси қўшяпти. Суратда: «Юбилей» спортсаройи ва Тошкент Давлат университети ўқув корпусларидан бирни кўриб турибсиз.

В. Таран фотоси.

Спорт

СОВЕТ КОМАНДАСИ ПЕШКАДАМ

Европа биринчилигининг 4-саралаш группасида Совет Иттифоқи футболчилари ягона пешқадам бўлиб олдилар. Улар 7 июнь куни Кипр терма командаси билан Москвада бўлган учрашувда 6:1 ҳисобида катта ғалабага эришдилар. Тўпларни Федотов (2 та), Еврюжихин (2 та), Колотов ва Банишевский киритдилар. Ҳисоб бундан ҳам йирик бўлиши мумкин эди. Лекин Банишевский кўп марта қулай имкониятларни бой бериб қўйди, бир сафар 11 метрлик штраф зарбасини кирита олмади.

Ҳозир группада аҳвол қуйидагича:

	У.	Т.	О.
СССР	3	11-3	6
Ш. Ирландия	3	3-3	4
Испания	3	6-2	4
Кипр	5	2-19	0

„ЯНГИЕР" ОЛДИНДА

«А» класси иккинчи группаси (бешинчи зона) командалари турнирида «Янгиер» футболчилари зафарли одимларини давом эттирмоқдалар. Сўнгги турда қўриқ ер футболчилари Қизил-Ўрда шаҳрининг кучли «Автомобилчи» коллективини мағлубиятга учратдилар. Ҳисоб — 1:0. Бу Таҳеддинов ва Шарипов шогирдларининг мавсумдаги олтинчи ғалабасидир. Ҳозир қўриқ ер футболчилари 10 ўйиндан 13 очко тўплаб, турнир жадвалида иккинчи ўринда бормоқдалар. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ўз майдонида Жамбул футболчиларини қабул қилиб дуранг билан кифояланди — 0:0.

«Политотдел» колхози командаси эса сира ўзига келолмаяпти. Бу сафар политотделликлар Навоий шаҳрида «Зарафшон»дан мағлубиятга учрадилар — 0:1. Областимиз вакили етти ўйиндан бештасида мағлуб бўлиб, жадвалнинг сўнггида бормоқда.

Командалар навбатдаги тур мусобақаларини бугун ўтказадилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси**, 18.00 — **«Ахборот» информацион программаси** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — **Усмирлар учун. «Орзу» программаси**, 18.45 — **Миллионлар ленинча университети**, 19.00 — **Чирчиқ пойафзал фабрикаси маданнат уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти**, 19.40 — **«Ахборот» информацион программаси.**

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 — **Абитуриентлар учун. Математика**, 19.00 — **Абитуриентлар учун. Химия.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Боғчасарой фонтани**, 10/VI да — **Дон Карлос.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Олтин девор**, 10/VI да **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VI да **Лаҳма.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Ёқимтой жаноб «Р» — ЧАЙКА», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11 ва кундуз соат 1,5 кеч 7 да).

Том Жонс (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ярим ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч соат 8.40 минутда).

Катта сайр (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 1, 4 ва кеч соат 7, 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 6, 8.45 минутда).

Хайр, дўстлар! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ярим ва кеч соат 6.15 минутда), «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Утган кунлар (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 8.20 минутда).

Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим ва кеч соат 7 ярим, 9.15 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар — «ХИВА».

Ёқимтой жаноб «Р» — «ФЕСТИВАЛЬ».

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
11, 12, 13 июнда

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артистлари — Қундуз МИРКАРИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ,

Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар — Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Ғафур АЗИМОВ,

Солистлар — Алижон ҲАСАНОВ, Анвар РУСТАМОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Уринбой ОТАЖОНОВ, Сора ШУКУРОВА, Дадахон ҲАСАНОВ, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Азим АЗИЗОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА,

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

№ А—1766. Р. 02592. ИНДЕКС — 64697.